

Маърузачи судья  
О.Мухаммадиев  
Иш рақами: 1-1007-2301/507

Биринчи инстанция судида раислик  
қилган судья: Д.Камилов  
Апелляция инстанцияси судида  
маърузачи судья: Т.Касимов

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2026 йил 5 март куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: судья К.Мирсафаев, ҳайъат судьялари: У.Мусаев ва О.Мухаммадиевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Махмудов, Ш.Сулаймоновнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Ш.Шомирзаев, маҳкум З.Шодиевнинг ҳимоячиси - адвокат Н.Хамраевнинг иштирокида, маҳкум З.Шодиевга оид жиноят ишини маҳкум З.Шодиев томонидан тафтиш тартибида берилган шикоят асосида тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 10.10.2023 йилдаги ҳукмига кўра,

**Шодиев Зафар Сулаймон ўғли** (Shodiyev Zafar Sulaymon o'g'li), 19.03.1991 йил Навоий вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, ишсиз, мқаддам судланмаган, Навоий вилояти Хатирчи тумани Учтепа МФЙ 8-уйда яшаган, иш бўйича 10.08.2023 йилда “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, 31.08.2023 йилда айблов хулоса нусхасини олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, унга нисбатан ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва ЖК 28,211-моддаси 1-қисми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 59-моддаси тартибида 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ, жазо муддатини 10.08.2023 йилдан бошлаб ҳисобланиши, З.Шодиевга қўлланилган эҳтиёт чораси аслича, “қамоққа олиш” қолдирилиши,

-жабрланувчи М.Намозовга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ҳақидаги аризаси инобатга олиниши,

-дастлабки тергов органининг 25.07.2023 йилдаги Э.Бозоровни жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақидаги қарорлари бекор қилиниши,

-судланувчи З.Шодиевдан давлат фойдасига пора предмети тариқасида 10.290.600 сўм ундирилиши белгиланган.



Манфаатдор тарафларга жиноят натижасида келиб чиққан бошқа моддий зарар ва маънавий зиённи ундириш масаласида фуқаролик суд иш юритиш тартибида муурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 31.10.2024 йилдаги ажримига кўра, ҳукм ўзгаришсиз қолдирилиб, ҳукмнинг қарор қисмига қўйидагича аниқлик киритилган: ҳукмнинг қарор қисми 9-хатбошисидаги “Дастлабки тергов органининг 2023 йил 25 июлдаги Э.Бозоровни жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақидаги қарорлари бекор қилинсин” жумласи чиқарилиши белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, З.Шодиев, 05.04.2023 йилда соат 10:30да, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, Учтепа тумани Чилонзор мавзеси 21-даҳа Фозилтепа кўчаси 10А-уйда жойлашган “Каромат” тўйхонаси олдида бўла туриб, таниши Бозоров Эргаш Мамадаминовичнинг ишончига кириб, уни юқори лавозимларда ишловчи танишлари орқали “Sanoat Qurilish Bank”га ишга киритиб қўйишга ишонтириб, эвазига 500 АҚШ долларини сўраб, уни пора беришга далолат қилиб, ундан қиймати 5.690.600 сўмга тенг 500 АҚШ долларини алдаб олиб, кейинчалик қўшимча харажатлар учун деб Э.Бозоровдан яна бўлиб-бўлиб 4.600.000 сўмни пластик картасига ўтказиб олиб, берган ваъдасини бажармай, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Марказий банк маълумотига кўра, 05.04.2023 йил ҳолатига 1 АҚШ доллари қиймати 11.381,2 сўмни ташкил қилган.

Бундан ташқари, З.Шодиев ўз жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, 13.05.2023 йилда соат 10:30да, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, Учтепа тумани Чилонзор мавзеси 25-даҳа 20-уй олдида бўла туриб, фуқаро Намозов Мирзоулуғбек Абдулҳаким ўғлининг ишончига кириб, унга тегишли 2.300.000 сўмлик “SAMSUNG A23” русумли телефон аппаратидан фойдаланиб туриш учун алдаб олиб, М.Намозовни чалғитиб, воқеа жойидан яшириниб, телефон аппаратини жиноий йўл билан қўлга киритилганини айтмасдан, бошқа шахсга сотиб юбориб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Тафтиш шикоятда, айбловнинг фирибгарликка оид қисмига нисбатан асоссиз оғир жазо тайинланганлиги, шунингдек, жазони ўтаб келаётганлиги ва давлат даромадига тўланиши белгиланган суммани мажбурий ижро органларига тўланганлигига кўра, тайинланган жазоларни енгиллаштиришга оид важлар келтириб, ҳукмни ўзгартириш сўралган.

Тафтиш инстанцияси иш бўйича судья О.Мухаммадиевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ш.Шомирзаевнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланган З.Шодиевнинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат Н.Хамраевнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятлардаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қўйидагиларга асосан суд қарорларини ўзгартиришни лозим топади.



Биринчи инстанция суди ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, ЖПК 22 ва 26-моддалари талабларига мувофиқ, жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПК 94,95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорида белгилаб қўйилган шартларга мувофиқ, мазкур жиноят иши юзасидан тўпланган ва суд тергови жараёнида текширилган юқорида қайд этилган далиллар суд томонидан мақбул ва қонуний деб топилади.

Судланган З.Шодиёвнинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганликдаги айблари, суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан ташқари, жабрланувчи М.Намозовнинг аризаси, шахсни фотосурат бўйича таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари, нарсани тақдим этиш баённомаси, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва фото жадваллар, нарсани таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва фото жадваллар, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, жабрланувчи М.Намозовнинг телефон апаратини қайтариб олганлиги ҳақидаги тилхати, юзлаштириш баённомалари, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди З.Шодиёвнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва ЖК 28,211-моддаси 1-қисмида билан тўғри квалификация қилинган.

Тафтиш инстанцияси суди, шикоятда келтирилган вазиятни муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сон Қарорининг:

-24-банди 3-хатбошисида, “Агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим. Қимматликлар эгасининг ҳаракатлари эса, бундай ҳолларда, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак.”;

-25-бандида, “Фирибгарлик натижасида олинган, шунингдек иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган жабрланувчига тегишли пул ва бошқа қимматликлар ЖПК 211-моддаси 4-бандига кура, ўз эгасига қайтариб берилиши лозим, пул ва бошқа қимматликлар улар эгасининг ташаббуси билан, била туриб, пора предмети сифатида берилган ҳоллар бундан мустасно. Пул ва бошқа қимматликлар топилмаган ҳолларда уларнинг суммаси ёки пул бирлигидаги қиймати суд томонидан жабрланувчи ёки давлат фойдасига ундирилади.”;

-29-бандида, “ЖК 168-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан



махрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этади, шу сабабли, зарар тўлиқ қопланмаган ҳолларда судлар айбдорга нисбатан озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг мақсадга мувофиқ-мувофиқ эмаслиги масаласини муҳокама қилишлари шарт.” деб тушунтириш берилган.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сон Қарорининг 16-бандида, “Пора берувчиларни порада товламачилик ёки пора берганлик тўғрисида ўттиз сутка мобайнида ихтиёрий ариза бериш асосларига кўра жиноий жавобгарликдан озод этиш бу шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини билдирмайди (ЖКнинг 211, 212-моддаларига изох). Шу сабабли улар жабрланувчи деб топилмайди ва пора тариқасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмаслар.” деб тушунтиришлар берилган.

ЖК 168-моддаси 5-қисмида “Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.” деб белгиланган.

ЖК 59-моддаси 1-қисмида “Шахс Махсус қисмнинг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлайди.” деб белгиланган.

ЖК 50-моддаси 7-қисми “а,б” бандларида, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:

-ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

-қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

ЖПК 495-моддаси 1-қисмининг 1-бандида тафтиш инстанцияси суди суднинг айблов ҳукмини ўзгартириш чоғида жазони енгиллаштиришга ёки маҳкумга нисбатан енгилроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллашга ҳақли эканлиги белгиланган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи З.Шодиевга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, унинг айбига қисман иқроор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида, паст ниятларда жиноят содир этганлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, ЖК 7-моддаси, яъни инсонпарварлик принципи ва ЖК 8-моддаси, яъни одиллик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида



“Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда З.Шодиевнинг шахсини инobatга олиб, унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо турини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигини эътиборга олиб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, қўшимча жазо турини қўлламаган ҳолда санкция доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини, ЖК 28,211-моддаси 1-қисми билан санкция доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган.

Кассация инстанцияси томонидан ҳам юқоридаги ҳолатлар инobatга олиниб, ҳукмнинг жазога оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Бироқ, тафтиш инстанцияси муҳокамасига келиб, ҳукмнинг пора предмети сифатида 10.290.600 сўмни давлат даромадига ўтказиш қисми ижро қилинган.

Жумладан, шу мазмундаги ижро иши юритуви МИБ Хатирчи туман бўлими давлат ижрочиси Ш.Гайбуллоевнинг 12.12.2025 йилдаги 210924036666-сонли қарори билан амалда ижро қилинганига кўра тамомланган ва бу ҳақдаги 16.12.2025 йилдаги маълумот ишга тақдим қилинган(и.в.200-202).

Мазкур ҳолатлардан, қонунчилик ва Пленум қарорлари тушунтиришларидан келиб чиқиб, шунингдек, ЖИЭМдан тақдим қилинган ҳужжатларда унинг ахлоқан тузалганлиги кўрсатилгани, жабрланувчи М.Намозовга оид эпизод юзасидан етказилган зарар қопланганлиги ҳақидаги аризаси мавжудлигига(и.в.137) кўра, тафтиш инстанцияси суд қарорларининг жазога оид қисмини ўзгартиришни,

-З.Шодиевга нисбатан ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни,

-ЖК 28,211-моддаси 1-қисми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини аслича қолдиришни,

-ЖК 59,61-моддалари тартибида ҳар хил турдаги жазоларни қисман қўшишни ва жазони манзил колонияларда ўталишини белгилашни лозим топди.

Шунингдек, кассация инстанцияси терговчиларнинг асосиз қарорларини бекор қилиш судларнинг ваколатига кирмаслиги боис, ҳукмнинг қарор қисмига аниқлик киритиб, “Дастлабки тергов органининг 2023 йил 25 июлдаги Э.Бозоровни жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақидаги қарорлари бекор қилинсин” жумласини чиқариш ҳақда қонуний хулосага келган.

Бундай ҳолатда, суд қарорларинининг қолган қисмларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 521<sup>3,4,6</sup>-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати



## А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 10.10.2023 йилдаги **Шодиев Зафар Сулаймон ўғлига** оид хукми ва 31.10.2024 йилдаги Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси ажрими ўзгартирилсин.

Шодиев Зафар Сулаймон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Хукмдаги 3.Шодиевга ЖК 28,211-моддаси 1-қисми билан тайинланган 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси аслича қолдирилсин.

ЖК 59,61-моддалари тартибида, жиноятлар мажмуи тариқасида, тайинланган ҳар хил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3.Шодиевга ўташ учун 3 (уч) йил 1 (бир) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил колонияларда ўташ тайинлансин.

Хукм ва ажримнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Тафтиш шикоят қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози томон, ЖПК 510-512-моддалари тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест келтириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи:

К.Мирсафаев

Судлов ҳайъати судьялари:

У.Мусаев

О.Мухаммадиев

